

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (11.453)

Баҳоси эркин нарҳда



**МУСТАҚИЛЛИК
18**

Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда унга ҳамоҳанг тарзда нишонланадиган азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тобора яқинлашаётган бугунги кунда шодиёналар шуқуҳини дилларига жо айлаган Ҳамза тумани аҳолиси ҳам кўш байрамларни муносиб кутиб олиш тараддудини уюшқоқликда амалга оширишмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҲАМЗА ТУМАНИ



ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда Корёя кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси ўринбосари Бёнг Мун Сё раҳбарлигидаги ушбу мамлакат ишбилармонлари делегацияси меҳмон бўлди. Ташриф давомида қатор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг ётакчи компанияларида учрашувлар ўтказилиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

— Сафаримиз Корёя Президенти Ли Мён Бакнинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида икки мамлакат раҳбарлари ўртасида эришилган аҳдлашувларнинг самарасидир, — деди Бёнг Мун Сё жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбатда. — Ташрифимиз давомида Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолияти билан танишиб, у ерда бизнес юритиш учун кенг имкониятлар яратилганга ишонч ҳосил қилдик. Делегациямиз аъзолари ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти мазкур зонада амалга оширилувчи лойиҳаларга сармоа киритиш имкониятларини кўриб чиқиш ниятида.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари хусусида гапирганда, Ўзбекистон билан Корёя стратегик шериклар эканини алоҳида қайд этиш зарур. Муносабатларни кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилганда, биз айнан мана шундан келиб чиқамиз. Бундан ташқари, давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстона алоқалар ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни ривожлантиришдаги яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Уйлашимча, замонавий дунё таърибасида икки давлат раҳбарлари ўртасида бу каби яқин, самимий ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг яна бир мисолини топиш мушкул бўлса керак. Шу боис биз ишбилармонлар давлатларимиз раҳбарлари томонидан белгилаб берилган суратта мос равишда ҳаракат қилиб, ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур.

Корёяликлар Ўзбекистонни яхши билишади. Ўзбек халқининг дунёқараши, унинг самимийлик ва меҳмондўстлик каби хислатларини юксак қадрлашади. Яқинда Ўзбекистон пойтахти Тошкент ўзининг 2200 йиллик тўйини нишонлашдан ҳам яхши хабардоримиз. Тантаналарга қизгин тайёргарлик кўриляётганини Тошкентга келаётган ҳар бир меҳмон ҳис қилади: шаҳар янада чирой очиб, янги-янги бинолар қад кўтармоқда, раво йўللар қурилиб, таъмирланмоқда, шаҳар инфраструктураси кун сайин такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Охириги маротаба юртингизда олти йил муқаддам бўлган эдим. Айтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида Тошкентда катта ўзгаришлар содир бўлган. Шаҳар ўсиб, дунёнинг бошқа мегаполислари сингари ривожланиб бормоқда. Шундай бўлса-да, унинг ўзига хослиги — доимо самимий ва юзидан тасассум аримайдиган аҳолиси, шаҳарнинг одатий жўшқин ҳаёти билан Шарқ маданиятининг хотиржамлигини уйғунлаштириб турувчи ажиб бир муҳити одамни ҳамон ўзига ром этади.

«Жаҳон» АА

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ

Туманда истиқомат қилаётган кексаю ёшнинг қалбида бир эзгу ният мужассамини топган бўлиб, у ҳам бўлса ўзлари яшаётган маҳалларини обод этиш, гулзор-чаманзорга айлантиришдек кулғу ишдан четда қолмасликдир. Чунки 1968 йилда ташкил топган ва ҳозирда 3366 гектар майдонни эгаллаган 205 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган тумanning пойтахтимизда ўз ўрни, нуфузи бор, албатта.

Авалло, яқка тартибдаги, кўп қаватли уй-жойлар, шоҳқўча ва кўчалар, корхона, ташкилот ҳамда муассасалар бинолари, ҳовлилари кўрк очини учун режадаги ишлар бажарилишига асосий эътибор қаратилган. Бугунги кунга келиб режадаги 60 та кўп қаватли уйдан 40 тадан ортинининг фасадлари ўзгача чирой очди, кўзда тутилган 37 та кўп қаватли турар жой биноларининг 12 тасида муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш тугатилди ва қолганларида ишлар қизгин давом этмоқда. Аини кунгача мўлжалдагидан анча ортиқ уйларнинг 60 та кириш йўлаклари ёриткичлари тикланган ҳолда таъмирланди, 40 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар атрофидидаги 21.300 погон метр ирригация тармоқлари тозаланди. Уйлар, кўчалар кўркини бузиб турган 100 та ноқонунли қурилма ва 144 та ўрамлар бузиб ташланди, 1320 та кўча ёритиш чироклари тикланди, юзлаб гаражлар тартибга келтирилиб, бўялди.

Туман ҳудудидида 15.337 та хусусий хонадонлар мавжуд бўлиб, ана шуларнинг 5766 таси таъмирланиши кўзда тутилган эди. Аини пайтгача 4,5 мингдан зиёд яқка тартибдаги хонадонларнинг фасадларини таъмирлашга эришилди. Туман ҳудудидида фаолият кўрсатувчи савдо объектларидан 478 таси таъмирланиши лозим бўлса, бугунга келиб 300 дан зиёдида ишлар тугалланди. Шунингдек, қурилиши тугалланмаган 96 та объектда бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, жумла-

дан 34 таси фойдаланишга топширилди. Ободонлаштириш ишлари баробарида эрта баҳордан кўчалармзорлаштириш, кўчат экиш, ниҳоллар парвариши, гулзорлар ташкил этиш сингари юмушлар уюшқоқлик билан олиб барилаётгани



хозирда туман чиройини ёрқин намоен этапти. Шу кунга қадар кўзда тутилгандан анча ортиқ, 29.207 туپ турли хил дарахт кўчатлари ҳамда 130 минг донда зибд ранг-баранг гул ниҳоллари экилди. Тумандаги 13 та кўча бўйлаб 41 та гулхона чирой очди. Шуларнинг 14 таси пойтахтимиз юбилейи муносабати билан янгидан ташкил этилди.

Тумандаги маҳалла ва мавзе кўчаларига асфальт ётқизиш ишлари ҳам авж паллага кирган. Жами 81775 квадрат метр асфальт қопламаси ётқизилиши аҳолига байрам тухфаси бўлади. Туман ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва ариқлар тозаланмоқда. Бу ишларда хашарлар уюштирилаётгани ва аҳолининг кенг иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тумандаги барча соҳа ходимлари шодиёналарни ёруғ юз билан кутиб олишга азму қарор қилишган. Шу ўринда тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусида ҳам алоҳида тўхталмиш жоиз. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳажми 256465,5 миллион сўмни ташкил этди, 160161,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ортиқдир. Туманда ташқи савдо айланмаси 158858,5 минг АҚШ долларини ташкил этди ва шундан экспорт 20644,4 минг АҚШ долларидан иборат бўлди. Маҳаллийлаштириш ҳудудий дастурига тумандаги 17 та корхона 45 та лойиҳа бўйича киритилган бўлиб, ўтган беш ойда улар томонидан 20621,7 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг беш ойда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 34289 миллион сўмни ташкил этди. «Деко Стелс» корхонасида 571,4 минг АҚШ доллар миқдоридида инвестиция киритилиб, металл черепица ва металл профиллар, «Интенд Бизнес Плюс» корхонасида эса 135,4 минг АҚШ долларига тенг инвести-

ция киритилиб профнастил қурилиш ашёси тайёрлаш йўлга қўйилди. Йирик объектларни ишга тушириш, қайта қурилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш ва бошқа йўналишлардан омилкорлик билан фойдаланиш эвазига беш ойлик режадагидан бирмунча ортиқ — 4258 та янги иш ўринлари яратилди.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тобора яқинлашиб келаётган аини кунларда туманда ишлар янада қизиган. Белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажаришга сазой-ҳаракат қилаётган ҳамзаликлар кўтаринки кайфият билан меҳнат қилиб, ўз ҳудудларини янада яшнатилга муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувларда эса пойтахтимизнинг ўтмиши, бугунги кунини ва келажиги ўз аксини топмоқда. (Ҳамза туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саноқсидида танишасиз)

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА**
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Оймома» маданият ва истироҳат боғида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган хайрия тадбирида меҳрга ташна инсонлар иштирок этишди.

✓ **«БИЛИМ»** ахборот кутубхона марказида ўтказилган тадбирда китобхонларга қулайлик яратиш мақсадида электрон кутубхона ташкил этилганлиги, мазкур зиё масканига замонавий технологиялар келтирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

✓ **«АЛОҚАЧИ»** ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида БУГУН Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Яна оромгоҳ бариди» деб номланди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги «Миробод» спорт мажмуасида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан туман мактаблари қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жамоалари ўртасида «Кувноқ стартлар» спорт мусобақалари уюштирилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• ЎзХДП Марказий Кенгаши Фарғона вилоят кенгаши негизда «Сайловларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштироки» мавзуга бағишланган давра суҳбатини ташкил этди. Тадбирда Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётгани таъкидланди.

• Жиззах вилоятидаги «Oil Baraka Fayz» масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг февралда 30 нафар киши билан иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида бу ердаги ишчи-хизматчилар сони 145 нафарга етди. Кунига 13 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқараётган мазкур корхона маҳсулотлари Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида жуда харидорғир. Тез кунларда жамият негизда совун, озиқ-овқат цехлари ҳам ишга туширилади.

• Пастдарғом туманининг Зормон қишлоғи аҳолиси тез кунларда катта қулайликка эга бўлади. Гап шундаки, туман марказидан қарийб 20 километр олисда жойлашган қишлоқда кўприк қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳа қиймати 650 миллион сўм бўлган кўприкнинг узунлиги 45 метр, эни 12 метрни ташкил этади. «Республика йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳаси асосидаги кўприкни «Стахелгидротех» МЧЖ қурувчилари бунёд этишмоқда.

• Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Мустақилликимизнинг 18 йиллиги байрамига ажойиб совға ҳозирладилар. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган «Олтин Гран-при» мусобақасининг финал босқичида эркин кураш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси полвонлари иккита олтин, биттадан қумуш ва бронза медали билан умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Юнон-рум кураши усталари эса биттадан қумуш ва бронза медалларига сазовор бўлидилар.

• Деновдаги «Хайрабод пахта» акциядорлик жамияти пахтани қабул қиладиган асосий корхоналардан саналади. Аини кунларда жамоада мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда тендер баҳоси 1 миллиард 739 миллион сўмлик қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Қисқа фурсатларда қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар ҳам янғиси билан алмаштирилади.

ЖАҲОНДА

• АСЕАН ташкилоти инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ташкил этишга қарор қилди.

• Япония Вазирлар Маҳкамаси мамлакат парламенти қўйи палатасини тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

• Европа Иттифоқи Гондурасга йўналтирилаётган молиявий ёрдамни музлатиб қўйди.

• АҚШ Мудофаа вазири Роберт Гейтснинг таъкидлашича, Шимолий Америка ўз армиясини яна 22 минг кишига оширади.

• Татаристонда деярли икки ойдирки, қурғоқчилик юзага келган. Шу муносабат билан республикада фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Зеро, 15 июль ҳолатига кўра Татаристонда 300 минг гектарга яқин экинзор қуриб, нобуд бўлди. Бундан республиканинг 30 та тумани жиддий зарар кўрди.


• НАТОнинг Афғонистондаги йирик харбий базасида қирувчи самолёт ҳалокатга учради. Ушбу ҳалокат самолётнинг ҳавога кўтарилишига уриниши чоғида учинчи майдонда рўй берди. Самолётда бўлган икки нафар экипаж аъзоси катапульта усулини қўллаган ҳолда тирик қолган.

• 2008 йилнинг ноябрь ойида Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида амалга оширилган йирик кўпорувчилик ҳаракатида иштирок этган ва тирик қолган ягона босқинчи — Ажмал Амир Касаб судда ўз айбига иқроқ бўлди. Таъкидлаш жоизки, кўпорувчилик ҳаракатларида қатнашган ўн нафар жиноятчидан бири бўлмиш Амир Касаб шу пайтгача ҳеч нарсага тин олмай келаётганида.

• Жаҳондаги илк HD радиостанциялар трансляцияларини қабул қилувчи қурилма — Insinia NS-HD01 сотувга чиқарилди. HD-радиостандарти рақамли радиоэшиттиришнинг янги шакли бўлиб, бу технология овоз тиниқлигини таъминлайди ва бир пайтнинг ўзида аудио сигналларга қўшиб ижрочи ёки мусиканинг номи ва ҳоказо маълумотларни узатиш имконига эга.

• Беларусда бир нечта область тинимсиз ёққан ёмғирлар, момақалдироқ ҳамда кучли шамолдан катта жабр кўрди. Хусусан, республика фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотида кўра, 240 дан ортиқ аҳоли пунктлари электр қувватисиз қолган. Ҳозирда электр таъминотини тиклаш юзасидан ишлар ниҳояланмоқда.

• АҚШнинг «Индевор» шаттли астронавтлари иккинчи бор очик коинотга чиқдилар.



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!



Тумандаги маҳаллаларда ҳам пойтахтимизнинг орзиқиб кутилаётган байрами арафасида ободлик, кўркамлик борасидаги ишлар қизғин олиб борилмоқдаки, бу юмушларда кексаю ёш масъулиятни бирдай ҳис этишмоқда. Ибратли маҳаллалардан ҳисобланган «Янгиобод»га ташриф буюриб, бунинг яққол гувоҳи бўлдик.

Бугунги кунда 3000 нафар аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада асосий эътибор она шаҳримиз юбилейни муносиб кутиб олиш ва нишонлашга қаратилган бўлиб, шу муносабат билан режалаштирилган ишлар кўнгилдагидек бажарилмоқда, маҳалла ҳудуди янада кўркамлаштирилиб, чирой очмоқда.

— Маҳалламизда 390 та хонадон, 790 та оила бор, — дейди 10 йилдан буён маҳалла фуқаролар йиғинини бошқариб келаётган оқсоқол Хурсанали Тошмухамедов. — Урганиш натижасида 100 та яқка тартибдаги уйнинг фасади таъмирланиши кўзда тутилган бўлиб, айти пайтда бу ишни ниҳоясига етказяпмиз. Маҳалламизда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор боис бўлса керак, кам таъминланган оилалар сони ўтган йиллар мобайнида бир неча бараварига қисқариб, ҳозирда 18 тани ташкил этмоқда. Улар доимо эътиборда, шу кунга қадар 5 та ана шундай оилага таъмирлаш ишларида ёрдам берилди. Шунингдек, шу кунга қадар пойтахтимиз юбилейи муносабати билан 7 та тадбир ўтказдик,

шаҳримиз қадимий обидаларига, қайта чирой очган «Хастимом» мажмуасига саёҳатлар уюштирдик.

Кейинги йилларда маҳалла чиндан ҳам кўркамлик касб этди. Бунёд этилган маҳалла «Арка»си ўз салобатини ёрқин намойиш этаётган бўлса, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан янги гузар қад ростлади. Бу ерда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар учун компьютер хонаси, уқалаш хоналари жойлашган ва улардан маҳалла аҳли баҳраманд бўлишади.

Маҳаллада кексалар, уруш қатнашчилари ҳурмат ва эътиборда. Жорий йилнинг ўзида улар учун 3 марта «Бир пиёла чой устида» тадбирлари уюштирилиб, совга-саломлар улашилди.

Уюштирилаётган ҳашарларда аҳолининг уюшқоқлиги таъминланмоқда. Шу боис ҳам маҳалла кўчаларига 1 миллион 700 минг туп гул ҳамда 1700 туп дарахт кўчатлари ўтказилди. 300 погон метр ариқлар тозаланди, «Энг обод кўча» номини олган Ойдинкўл кўчасига 450 метр асфальт ётқизилди.

Маҳалланинг ўтган 9 йил ичида туман, пойтахт, республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб 11 марта фолиблар сафидан ўрин олганлиги ҳам ушбу файзли масканда олиб борилаётган ибратли ишларнинг самарасидир.

Маҳалла

ОБОДЛИК МАСКАНИ

Маҳаллалар обод бўлса, Муларда яшовчи аҳоли ҳамжиҳатлиги таъминланса, одамлар ўртасида меҳроқибат ришталари мустаҳкамланиб борса, шубҳасиз, юртимиз янада кўркам, элимиз фаровон бўлади.

Бунёдкорлик

«ЯНГИОБОД» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жонажон шаҳримизнинг 2200 йиллиги муносабати билан бунёд этилаётган ва қайта чирой очётган объектлардан бири тумандаги «Янгиобод» тўйхона гузаридир.

«Тарновбоши» маҳалласида жойлашган ушбу мажмуа бугунги кунда замонавий тарзда қайта реконструкция қилинмоқдаки, бу албатта нафақат маҳалла, балки туман аҳолиси учун ҳам алоҳида қулайликлари билан ажралиб туради. Айти вақтда 80 фоизга яқин қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етган мазкур мухташам бинони «LTD» ўзбек-турк қўшма корхонасининг мохир қурувчилари бунёд этишяпти. Мажмуа «Шоҳрухон мега сервис» фирмаси буюртмаси асосида қайта реконструкция қилинмоқда. Қурилиш объектида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган қурилиш ва пардозлаш ашёлари қўлланилмоқдаки, улар кўриниши, мустаҳкамлиги, рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Фирма раҳбари ўринбосари Аваз Мадаминовнинг таъкидлашича, мажмуа шаҳримиздаги энг кўркам бинолар қаторидан ўрин олади. Мажмуада 150 ўринли кичик ва 350 ўринли катта тантаналар зали, маҳалла гузар, оталар чойхонаси, маиший хизмат шохобчалари, турли тўғараклар учун хоналар, спорт майдончалари ва бошқалар ўрин олиб, ҳаммаси керакли жиҳозлар билан таъминланади.

— Мажмуани мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва пойтахтимиз юбилейи тантаналари нишонланган кутлуғ кунларда фойдаланишга топширишни ўз зиммамизга олганмиз, — дейди қурилиш фирмаси бosh муҳандиси Мурод Мамадалиев. — Лойиҳада кўзда тутилган барча юмушларни сифатли адо этилмиш. Ҳозирги кунда 70 нафарга яқин қурувчиларимиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Пардозлаш ишларида замонавий ва миллий меъморчилик аънаналаридан кенг фойдаланяпмиз. Уста ганчкорлар ўз юмушларини маҳорат билан бажаришмоқда. Шу ўринда ганчкор Қаҳрамон Раҳмонов, дурадгор Сирождин Ҳамидов, бригада сардори Раҳматжон Мамадалиевларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Қурувчиларимиз, албатта объектни тез ва соз қуриб, калити билан фойдаланишга топширилади.

Бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган мазкур мажмуада меҳнат қилаётган қурувчиларнинг ғайрати ваъдага яраша бўлмоқда. Улар байрамларни ўз вазифаларини муносиб адо этган ҳолда ёруғ юз билан кутиб олишади.

Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Иқтисодиёт

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилиниши натижасида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръати ва макроиқтисодий мўътадиллик тобора мустаҳкамланиб бормоқда, банк-молия тизими барқарор ривожланмоқда.

Бу борада ислохотлар самарадорлигини янада чуқурлаштиришга қаратилган 2007 — 2010 йилларга мўлжалланган Дастурга мувофиқ Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан тижорат банкларининг кредитга лаёқатлиги бўйича халқаро рейтинглар олиши алоҳида белгиланган эди. Негаки, бундай кўрсаткичлар бутун жаҳон молия институтлари учун банкнинг барқарорлигини, унинг мижозлари, ҳамкорлари ва сармоядорлар томонидан ишончилигини намоён этувчи ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади.

2008 йилда «Fitch ratings» халқаро рейтинг компанияси «Ўзсаноатқурилишбанк»га узоқ муддатли кредитга лаёқатлиги бўйича «В-», қисққа муддатли кредитга лаёқатлиги бўйича «В», индивидиуал рейтинг бўйича «D/E», рейтинг рағбати «5» ва узоқ муддатли кредитга лаёқатлиги бўйича «В» рейтингни берилган эди. Бадрча рейтингларга «Барқарор» баҳоси берилганди. Эътиборлиси, ушбу рейтингларни беришда йиллик молиявий фаолиятини таҳлил қилиш, маавжуд молиявий салоҳиятини баҳолаш, ривожланиш истиқболларини прогнозлаш каби бир неча муҳим омиллар ҳисобга олинган.

Айни кунларда «Fitch ratings» халқаро рейтинг компанияси «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг 2008 йил ва жорий йил биринчи чораги якунларини баҳолаб экан, унинг кредитга лаёқатлиги рейтингини оширишга қарор қилди. Унга кўра, узоқ муддатли кредитга лаёқатлиги «В» даражасига ва рағбат рейтингини «4» гача кўтарилди. Шунингдек, кредитга лаёқатлигининг «Барқарор» баҳоси ҳам ўзбек банклари учун энг юқори сифат ҳисобланади.

Нуфузли ташкилот томонидан берилган халқаро рейтингнинг бундай даражаси «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг самарадорлигини ҳамда ўз вазифаларини тўлақонли амалга ошираётганлигини билдиради. Бу эса банкнинг барқарорлик даражасини тасдиқлайди ва мижозлар олдида обрўини янада оширади.

Ҳукуматимиз томонидан юртимиз банкларининг доимий қўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, макроиқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ана шундай юксалишларга сабаб бўлади. Шу маънода, ушбу рейтинг даражалари наффақат Ўзбекистон банкларининг, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳам ўзига хос баҳосисидир.

Бутун дунёда компаниялар рейтингини баррача жабҳаларда камаётганлиги кузатилган бир вақтда, хусусан, асосий зарба банкларга тушганини инобатга олган ҳолда, «Ўзсаноатқурилишбанк» рейтингининг ошиши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиб бораётганлигини ҳамда унинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимининг мустаҳкамлигига ишончи далили бўлиб хизмат қилади. Бу ютуқ мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган замонавий ва узоқ муддатли истиқболга йўналтирилган тузилмавий ислохотлар ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тадбирлар натижасидир.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозини оқибатларини юмшатиш мақсадида реал секторни рағбатлантириш, банклар капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ва янги ишчи ўринларини яратишга йўналтирилган мажсус дастурлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, инқироздан кейинги муддатда барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича чоралар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур 300 дан иборат бўлган, иқтисодиётнинг реал секторини янгилашга йўналтирилган инновацион технологияларнинг ривожланишига, янги технология жиҳозлар билан таъминлашга оид турли лойиҳаларни ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазифалар Ўзбекистоннинг кейинги ривожланиши иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга, макроиқтисодий барқарорлигини оширишга ва мамлакатимиз манфаатини йўлидаги «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг янги муваффақиятларига эришиш йўлида рағбат бўлиб хизмат қилувчи қатта аҳамиятга молик банк-молия секторининг ўсишини таъминлашга имкон туғдиради.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида тумандаги 206-мактаб ўқувчилари учун ажойиб тўхфа ҳозирланди.

«Бинокор» маҳалласида жойлашган мазкур ўқув масканида замонавий очик сузиш ҳавзаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишда Халқ таълими вазирилик қўшидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда туман ҳокимлигининг ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Барча қулайликларга эга бўлган сузиш ҳавзасини «Сантехқурилиш» фирмаси бунёдкорлари бугунги кун талаблари даражасидаги қурилиш ашёларидан фойдаланган ҳолда бунёд этиб, болажонларга тортиқ қилишди. Карнай-сурнай садолари билан бошланган очилиш маросимида туман ҳокими Шухрат Абдуқодиров мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг маънан ва жисмонан етуқ бўлишларига, саломатликларини мустаҳкамлашга қаратилаётган катта эътибор ҳисобини тўхталиб, мактаб жамоаси ва ўғил-қизларни бугунги тантана билан кутлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 960 ўринли мазкур

билим маскани ўтган йилда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида капитал таъмирдан чиқара

Болалар — келажакимиз

ЗАМОНАВИЙ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

рилган бўлиб, ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. — Ўтган ўқув йилида мактабимизда 1196 та ўқувчи таълим олиб, — дейди мактаб директори Хосият Муқимова, — шулардан 133 нафар 9-синфни муваффақиятли битиришди. Битирувчиларнинг барчаси бугунги кунда академик лицей ва касбунаҳар коллежларига жойлаштирилди. Янги ўқув йилидан эса 105 нафар болажонларни 1-синфга қабул қиламиз. Жамоамизда меҳнат қилаётган 61 нафар педагог-ўқитувчиларимиз ёш авлоднинг ҳар томонлама зукко, билим-

дон бўлишлари учун имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда. Мана бугунги шодиёна ҳам, гувоҳи бўлиб турганингиздек, барчани бирдай қувонтирди. Албатта, ўқитувчи ва ўқувчиларимиз асим Тошкентимизнинг кутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш ниятида режада белгиланган чора-тадбирларни муваффақиятли урдалашмоқда. Ободликка, мактабимизни янги ўқув йилига шай қилишга асосий эътиборни қаратганмиз. Янги очилган сузиш ҳавзаси барча талабларга жавоб бериб, бу ерда ўғил ва қиз болалар учун ечиниш-кийиниш, тренажер, шифокор ва ҳамшира, лаборатория хоналари мавжуд. Албатта, айти кунларда мактаб қўшидаги ёзги оромгоҳда дам олаётган болажонлар ҳамда мактаб ўқувчилари сузиш ҳавзасида мазза қилиб чўмилишади, таътилни мароқли ўтказишади. — Бизга мана шундай қулай ва шинам, замонавий сузиш ҳавзасини бунёд этиб, кўнгилмизни шод этган барча-барчага тенгдошларим номидан миннатдорчилик билдираман, — дейди мактаб ўқувчиси Дилноза Эсонова.

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ТАДБИР

Пойтахтимизнинг турли гўшаларида уюштирилаётган ранг-баранг тадбирлар асим ва ҳаммиса навқирон Тошкентимизнинг яқинлашиб келаётган 2200 йиллик юбилейга бағишланмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Юнусобод туманидаги 288-умумтаълим мактаби қошидаги «Бойчек» болалар оромгоҳида бўлиб ўтди. «Элу юрт кўркисан, асим Тошкентим» мавзuida ўтган тадбирда оромгоҳда дам олаётган 120 нафар ўғил-қизларнинг ҳаммаси жалб этилди. Болаларни чиникиб, мазмунли дам олишларини кўзлаб уюштирилган спорт мусобақалари иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, «Кувнок стартлар» мусобақаси қизиқарли тарзда ўтиб, бирорта болани бефарқ қолдирмади. Шахмат-шашка ўйинларида болалар ўз зехнларини синовдан ўтказишди. Тадбир якунида Мадина Уролова мусобақаларнинг мутлақ голиби деб топилди. Шахмат-шашка бўйича эса биринчи ўрин Яшин Абдуллаевга насиб этди.

— Ёзи таътил вақтида болаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, соғломлаштириш ва маънавий билимларни сингдириш мақсадида бун-

дай тадбирларни ёшларимиз ўртасида тез-тез ўтказиб келмоқдамиз. Туманимизда ташкил этилган дам олиш оромгоҳларида барча шарт-шароитлар яратилган ва болажонлар мириқиб дам олмақдалар, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова.

«Элу юрт кўркисан, асим Тошкентим» шиори остида ўтказилган ушбу тадбир Юнусобод туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, «Оила» маркази ҳамда «Ватан-парвар» ташкилоти туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбир якунида мусобақа голиблари ва фаол иштирокчилар эсдалик совғалари ва Фахрий ёриқлар билан тақдирланди. «Дўстлик» маданият уйи бадиий жамоалари томонидан янграган куй-қўшиқлар болажонларни ва йигилганларни хушнуд этди.

Гули Лайло ТУГАЛОВА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН ХОДИСАЛАР

- Бир киши:
- Ҳаётда кутилмаган воқеа содир бўлиб қолса, шундан ёмони йўқ, — дебди.
- Кутиб юрган нарсанг сира амалга ошмаса, ундан ҳам ёмонроқ, — дебди иккинчиси.

ХУНАРСИЗ — МЕВАСИЗ ДАРАХТ

- Бир ҳақим шундай деган эди:
- Хар кимда олтин у зар қанчалик кўп бўлмасин, агар у беҳунар бўлса, мевасиз дарахтдир.

СОХТА НАЗАРИЯ

- Шогирд:
- Устоз, қурбақа сувда кўп сузаверганидан оёқларида сузгичлар пайдо бўлган, деган назарияга қандай қарайсиз?

- Устоз:
- Ўша назарияга кўра, бургут тошбақанинг устини чўқийвериб, тошга айлантириб юборган бўлса керак.

ГАП-СЎЗДАН САҚЛАНИШ ЙЎЛИ

- Фалон киши мен ҳақимда ёмон гапларни гапирибди, — деди биров донишмандга. — Мен нима қилай?
- Сен ўзингни шу даражада яхши тутки, то ҳеч ким айбингни тополмасин.

САХОВАТНИНГ ЎЗИ ШИЖОАТ

- Бир донишманддан сўрадилар:
- Саховат яхшими ё шижоат?
- У жавоб қилди:
- Саховат бор ерда шижоатга ҳожат йўқ.

ДИЛ ЯРАСИ БИТМАЙДИ

- Бир донишманд дейди:
- Бировнинг дилини бир марта оғри-тиб, ортидан юз марта яхшилик қилсанг ҳам, ўша бир ранжнинг яраси битмайди, чунки ўқни ярадан чиқариб олса бўлади, аммо озор дилда қолади.

ИККИ БЕҲУДА ИШ

- Донишмандлар дейдилар:
- Икки хил одам бефойда ҳаракату беҳуда ранж чеккандир: бири йиғиб-йиғиб ўзи емаган, иккинчиси ўрганиб, амал қилмаган.

УНИСИ ҲАМ ФОЙДА, БУНИСИ ҲАМ

- Бир донишманд деган экан:
- Илоннинг бошини душмanning кўли билан янчиб ташлаки, агар душман голиб бўлса, илонни ўлдирасан ва агар илон голиб келса, душмanningдан қутулсан.

КИМ ҚАНДАЙ?

- Очкўз ўзи ҳам емайди, бировга ҳам бермайди.
- Бахил ўзи ейди, бировларга бермайди.
- Олижаноб ҳам ўзи ейди, ҳам ўзгага беради.
- Сахий ўзи емай, ўзгага беради.
- Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва «Тошкент оқшомии» — «Вечерний Ташкент» газеталари жамоалари компанияси бош директори Омонулла Юнусовга волидаи муҳтарамаси

НАФИСА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўз жазираси авж олган кунларда турли юқумли касалликларнинг кўпайиши ва тарқалиши эҳтимоли анча юқори бўлади. Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигини муҳофазалаш, уларни турли юқумли хасталиклардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўғил-қизларни болалиқдан озодалик, покизаликка ўргатиш, тиббий маданиятини юксалтириш масалалари доимий эътиборда.

Айни пайтда фарзандларимиз хордиқ чиқараётган оромгоҳларда болалар саломатлиги, уларнинг спорт билан шуғулланиши, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш учун барча шароитнинг яратилгани бунинг далилидир.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан қишлоқ жойлардаги ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни турли хавфли юқумли хасталиклардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар тиббий маданиятини янада юксалтириш борасидаги эзгу ишлар кўламини тобора кенгайтириб бораётир, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг бош мутахассиси, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish бўйича республика доимий комиссияси масъул котиби Мавлуда Шукурова. — Бу йил ёзги соғломлаштириш мавсумида 245 миң нафар ўғил-қизнинг 766 оромгоҳда хордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлаш режалаштирилган. Оро-

«Таътил — 2009» САЛОМАТЛИК ОЗОДАЛИҚДАН БОШЛАНАДИ

бўйи минтақасидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги сўлим дам олиш масканларида уч миң нафар бола таътилни мароқли ўтказишди. Оромгоҳларда дам олаётганларнинг ақсарияти кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари-нинг тарбияланувчиларидир.

Айни пайтда болалар ёзги оромгоҳларида ўқувчиларни дам олдирish ва соғломлаштиришнинг иккинчи мавсуми давом этмоқда. Тоғли худудлардаги санаторий типидagi ҳамда мактаблар қошидаги спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида бир юз саксон миң нафардан зиёд ўқувчи хордиқ чиқармоқда. Дам олиш масканларида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида профилактика ишларини

олиб бориш янада кучайтирилди. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ва бошқа ташкилот, муассасалар вакиллари, малакали шифокорлар, эпидемиологлардан таркиб топган махсус ишчи гуруҳ аъзолари ёз мавсумида оромгоҳларда яратилган шароитни доимий назоратига олган.

Мамлакатимизда хавфли юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, барқарор эпидемиологик вазиятни сақлаш борасида барча чоратадбирлар кўрилушмоқда. Болаларнинг овқатланиш мезъири, озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотлари, ичимлик сувининг сифати талаб даражасида бўлишига,

Хўш, бу ҳолларда, яъни гипертоник криз юз бераётганда қандай қилиб тўғри биринчи ёрдам бериш керак. Кўпинча шундай ҳолатларда яқинлар ховлиқиб қолиб нима қилишни билмай қолишади, бу эса беморга салбий таъсир кўрсатади.

Гипертоник криз — бу артерия қон босимининг кескин кўтарилиши ва 160/100 дан баланд бўлишидир. Бундай ҳолда қон томирларининг спазми кучаяди.

Шу билан бирга ҳар хил беморларда қон босими кўрсаткичлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилади. Агарда бемор паст қон босими билан юрса, яъни қон босими 90/60 бўлса, босимнинг 140/80га кўтарилиши унга криз ҳолатини келтиради. Симоб устунида беморнинг ишчи қон босимидан 30-40 мм юқори келса, бу гипертоник криз ҳисобланади.

Криزلар гипертония касаллигида, бош мия шикастланишида, буйрак касаллигида, эндокрин, бош мия хасталикларида пайдо бўлади. Бундай ҳолат бир қатор клиник белгилар билан изоҳланади. Улар орасида кучли бош оғриғи, ҳолсизлик, бош айланиши, кўнгли айнаши, қусиш, гоҳида, кўз олдининг қоронғилишиб кетиши, совуқ тер босиши ва қўрқув кузатилади. Шу билан бирга юрак атрофида қисма оргиларнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Кўпинча гипертоник криз 2-3 соат давом этади, баъзи ҳолларда ундан ҳам узок муддатга кузатилади. Унинг узок кечиши хавфлидир, чунки қон томирларида спазма қанчалик узок давом

этса, шунча мия, юрак, кўз, буйрак тўқималарининг озиқланиши бузилади. Гипертоник криз кузатиладиган беморнинг атрофидаги яқинлари ховлиқмасдан хотиржамликни сақлаган ҳолда биринчи ёрдам кўрсатишлари керак. Одатда ўзбек оилаларида бундай ҳолат рўй берганда беморни ётқизиб қўядилар, бу нотўғри, бундай қилиш керак эмас. Беморни ярим горизонтал ҳолатда ётқи-

Шифокор оғоҳлантиради ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

Бирданига одамда ҳолсизланиш, муздек тер чиқиши, бош айланиши содир бўлиши мумкин. Шу пайтда бирор нарсани ушлаб олиш нияти, йиқилиб тушаман деган қўрқув юзага келади. Бундай ҳолат инсон ҳаётида учраб туриши кузатилади.

зиб, бошининг тагига 2-3 та ёстиқ қўйиш керак. Бундан қоннинг бош миёдан оёқларга тушиши кузатилади. Агарда беморда вариқоз касаллиги бўлмаса, оёққа иссиқ ванна қилиш мақсадга мувофиқдир. Бўйинга, бошга хўл доқа қўйиш керак ва ҳар хил товушларни (радио, магнитофон, телевизор) бартараф қилиш лозим.

Сув, ҳар хил газли ичимликлар бериш тавсия этилмайди, чунки бунда бемор қусиши мумкин. Қусиш ҳаракатлари беморнинг қон босимининг янада ошишига олиб келади. Албатта,

қон босимини туширувчи препаратлар талаб қилинади. Кўпинча бемор ўзига ёққан, таъсир қиладиган дорисини яхши билади, бундай ҳолда шу препарат фойда беради. Агарда бундай криз беморда биринчи марта кузатилса ва олдин даволанмаган бўлса, бир қатор препаратлар мавжуд — коринфар, нифедипин, капотен, каптоприл, диротон ва бошқалар. Лекин оғоҳлантиришимиз ке-

сўнг қон босими ўлчаниши лозим. Агарда қон босими пасайса яна шундай дозада истеъмол қилинади. Қон босимининг нормаллашуви 3-4 соат ичида рўй бериши керак.

Криз вақтида кўл остингизда қон босимини туширувчи дори воситалари бўлмаса унда бирданига 2 таблетка ношпа ва албатта тинчлантирадиган препаратлар — валерианка, корвалол, валокордин томчилари қабул қилиш зарур. Юракда оғриқ, санчик сезилса — тил тагига нитроглицерин берилди.

Бир хил ҳолларда бурундан қон кетади. Кўпинча халқимизда бу ҳолат яхши баҳоланиб, бош мия босими камайдиган, беморнинг ҳолати энгиллашади, дейилади. Агарда юқори босимда бурундан қон оқмаганида бош мия қон томирлари ёрилиб кетиши мумкин эди, бу эса миёга қон қуйилиши, яъни инсульт билан тугар эди. Лекин бир томондан бемор одатда бурундан қон кетса кўрқиб кетади.

Криз ўтди, энди бемор оёсийишта ҳаётга риоя қилиши керак. Кучли жисмоний ишлар, стресслар, офтобда юриш, чўмилиш, чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ман қилинади. Туз, шўр бодринг, помидор, қарама, ўткир чим-чим, қизил гармдори, қазичи, қарта чекланади. Овқат рациониди мевалар, полиз маҳсулотлари, кўкатлар тўла миқдорда бўлиши тавсия этилади.

Эсингизда бўлсин, соғлигингиз ўз қўлингизда.

Тоҳир ИБРАГИМОВ, олий тоифали шифокор, профессор

оромгоҳларнинг узлуксиз электр қуввати, табиий газ, алоқа ва транспорт воситалари, тиббиёт, санитария-гигиена воситалари, зарур дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оромгоҳлар худуди, жумладан, дам олиш хоналари, ошхоналар, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланувчи омборхоналар, сузиш ҳавзаларини озода сақлаш, тиббиёт хоналарини тавсия этилган дори-дармонлар, зарур эмлаш воситалари, жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ўз вақтида ва пухта бажариш, болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш шулар жумласидандир.

Болаларни илк даврданоқ гигиена қоидаларига қатъий риоя этишга, озодаликка ўргатиш турли юқумли касалликларнинг олдини олишда, уларнинг саломатлигини асраб-авайлашда муҳим ўрин тутди. Чунки саломатлик айнан покизалиқдан бошланади. Шу боис оромгоҳларда шифокорлар, олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида «Саломатлик — туман бойлиқ», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» сингари мавзулардаги давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, расмлар кўргазмалари, спорт мусобақалари, марафонларни ўтказиш яхши анъанага айланган.

ЎЗА муҳбири **Назокат УСМОНОВА** ёзиб олди.

Футбол БЕЛЛАШУВЛАР КЎЧИРИЛДИ

Маълумки, футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг навбатдаги баҳслари 23-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси Жанубий Кореянинг «Похан Стилерс» команди билан аввал Тошкентда, кейин меҳмонда голиблик учун куч синашади.

Ана шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерацияси мамлакат XVIII миллий чемпионати тақвимида яна бироз ўзгариш киритди. «Бунёдкор»нинг 26 сентябрда «Шўртан» жамоаси билан ўтказиладиган 23-тур беллашуви 25 июлга кўчирилди.

Дзюдо КУЧЛИЛАР САФИДА

Кейинги вақтда дзюдо бўйича халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров Халқаро дзюдо федерацияси томонидан кучли спортчи сифатида эътироф этилди.

Гап шундаки, куни кеча Халқаро дзюдо федерацияси ташаббуси билан дунё дзюдочиларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди. Қувонарлиси шундаки, унда Пекин Олимпиадасининг бронза медали совриндори, ҳамюртимиз Ришод Собиров 60 килограмм вазн тоифасидаги дзюдочилар орасида учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Рейтинг жадвалида биринчи ўринни австриялик Людвиг Пайшер эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин Ришод Собиров билан бир хил — 392 очко жамгарган голландиялик полвон Жарун Муренга насиб этди.

(Ўз муҳбиримиз)

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2857 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомии»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1567 9
Тошпирилган вақти: 13.45